

Тазкия дарслари (214-дарс) Ихлос ила ғурурланмаслик

ТАЗКИЯ
214-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 22.01.2023 1709

يَأْرِي بَأْنَأٌ : دُعَسِ نَبِ بَعْصُمُ نَع
لِاقْفُ هَنُودُ نَمِ يَلَعِ أَلْضَفُ هَل
: مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لَإِ يَلَصُ يَبْنَلِ
أَلِ نَوْقَزُرْتَوِ نَوْرَصُنْتُ لَه
أَلِ إِسْمَخْلُ أَوْرُ : مُكَيِّأَفْ غُضِبِ
أَمَّنِ إِئِيَّاسُنْ لَإِ ظَفَلَوِ . أَمَلْ سُمِ
أَهْفِي غُضِبَ ةْمُ أَلِ إِهْدَهُ هَلْ لَإِ رُصُنَيِ
: مَهْصِ أَلْخِإَوْ مَهْتِ أَلْصَوِ مَهْتِ وَغَدِبِ

Мусъаб ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам ўзини ундан паст одамдан фазли бор деб билар эди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Заифларингиз сабабидангина нусратланурсизлар ва ризқланурсизлар», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Насойнинг лафзида:

«Албатта, Аллоҳ ушбу умматга заифлари сабабидан нусрат берур. Уларнинг дуолари, намозлари ва ихлослари сабабидан», дедилар», дейилган.

عَوَاعِمٌ نَبِهَلَلَا دَبَعٌ نَع
هُلَلَا يَلَصَّيْبٌ نَلَا نَعِ يَرْضَاغُلَا
نَمُثَالَتِ لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
نَامِي إِيْلَا مَغَطَمَ غَطُوقَ فَنُهَلَعَف
إِلَا هَلَا أَلُهُ نَأُو هَدَحَ وَهَلَلَا دَبَعٌ نَم
عَبِّيَطِ هَلَامَ أَكَزِي طَعَاوُ هَلَلَا
مَاعَلُكَ هِيَلَعٌ عَدِفَارُ هُسْفَنَ أَوِب
أَلَوَ نَرْدَلَا أَلَوَ مَرَهَلَا يَطْعِي أَلَو
عَمِي يَلَلَا طَرَّشَلَا أَلَوَ ضَيْرَمَلَا

نَافٍ، مُكَلِّلٍ أَوْ مَطْسٍ وَنَمِّ نَكَالٍ وَ
مَلَوٍ، هَزِيحٍ مُكَلِّلٍ أَسِيٍّ مَلَّهَلَلٍ
دُوَادٍ وَبَأْهٍ أَوْرِيٍّ رَشَبٍ مُكْرُمٍ أَيْ
يُنَارِبٍ طَلَّوٍ.

Абдуллоҳ ибн Муовия Ғозирӣ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса борки, ким уларни қилса, иймоннинг таъмини тотган бўлади: ким Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилса ва албатта, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деса, молининг закотини ихлос ила ва чин қалбдан ҳар йили ёрдам ўлароқ берса, қарисини, ифлосини, касалини ва сутсизини бермаса, лекин молингизнинг ўртачасидан бўлса. Албатта, Аллоҳ сиздан яхшисини сўрагани йўқ, ёмонига амр қилгани ҳам йўқ», дедилар».

Абу Довуд ва Табароний ривоят қилишган.

Макхул раҳматуллоҳи алайҳи:

«Банда қирқ кун ихлос қилса, албатта, унинг қалбидан ва тилидан ҳикмат булоқлари отилиб чиқади», деган.

Абу Сулаймон Дороний:

«Қачон банда ихлос қилса, ундан васвасанинг кўплиги ва риё кесилади», деган.

Юсуф ибн Ҳусайн:

«Дунёдаги энг азиз нарса ихлосдир. Қалбимдан риёни чиқариш учун қанчалар уринмайин, у яна янги ранг ила ўсиб чиқаверади», деган.

Жунайд раҳматуллоҳи алайҳи:

«Ихлос Аллоҳ таоло билан банда орасидаги сирдир. Уни ёзиб қўяй деса, фаришта ҳам, васваса қилай деса, шайтон ҳам ва мойил қилай деса, ҳаво ҳам билмайди», деган.

Ибн Қайюм раҳматуллоҳи алайҳи:

«Ихлос ва иқтидосиз амал худди қопини қумга тўлдириб олиб кетаётган ва фойда олмаётган мусофирга ўхшайди», деган.

Сусий раҳматуллоҳи алайҳи айтади:

«Ихлос – ихлоснинг зоҳирини йўқотишдир. Ким ўз ихлосида ихлосни кўрса, ихлоси ихлосга муҳтож бўлади».

Яъни, банда ўз ихлоси ила ғурурланмаслиги керак. Чунки «холис» дегани барча офатлардан мусаффо бўлди деганидир. Бу эса битта офатга – ихлоси ила мақтанишга мубтало бўлди.

Саҳл раҳматуллоҳи алайҳи айтади:

«Ихлос банданинг ҳаракати ва саканоти Аллоҳ таолога хос бўлишидир».

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди